Суднинг ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят (протест) берилганда, апелляция инстанцияси суди шикоятни (протестни) асосли деб топса, биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиб, ўтказиб юборилган муддатни тиклайди ва шикоят (протест) ФПК 386-моддаси талабига мувофиқлигини текшириш ҳамда ФПК 389-моддасида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш учун ишни биринчи инстанция судига юборади.

7. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, ФПК 155 ва 396-моддалари мазмунига кўра, иш бўйича бирор-бир шахс илтимосномаси бўйича апелляция шикояти (протести) бериш муддати суд томонидан узрли деб топилган сабабларга асосан тикланганда, иш бўйича бошқа шахслар томонидан ўтказиб юборилган муддатни, ўтказиб юборилиши сабабларидан қатъий назар, тиклаш тўғрисидаги масалани, қўшимча равишда кўриб чиқиш талаб этилмайди. Бундай шахсларнинг апелляция шикояти (протести) ФПК 386, 387-моддалари талабларига риоя этган ҳолда апелляция муҳокамаси бошлангунга қадар берилиши ва умумий асосларда кўриб чиқилиши лозим.

8. Судларга тушунтирилсинки, қонунда апелляция тартибида иш юритиш предмети борасида муайян истиснолар белгиланган. Жумладан, қуйидагилар устидан апелляция тартибида шикоят (протест) берилмайди:

1) суд буйруғи;

2) устидан шикоят берилиши қонунда назарда тутилмаган ёки ишнинг кейинги ҳаракатларига тўсқинлик қилмайдиган биринчи инстанция суди ажримлари (масалан, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар бўйича эр-хотинга яра-

шиш учун муддат тайинланиши муносабати билан иш муҳокамасини кейинга қолдириш ҳақидаги ажрим).

9. ФПК 386, 387-моддаларида апелляция шикояти (протести)нинг мазмуни, шунингдек, унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар юзасидан муайян талаблар белгиланганлиги сабабли, биринчи инстанция суди шикоят (протест) берган шахс томонидан ушбу талабларга риоя этилганлигини текшириши шарт.

Мазмуни ФПК 386-моддаси талабларига жавоб бермайдиган, шунингдек, ФПК 387-моддаси талаблари бузилган ҳолда берилган шикоят (протест) судьянинг ажрими билан ҳаракатсиз қолдирилиб, камчиликларини бартараф этиш учун муддат берилади. Бу муддат шикоят (протест) камчиликлари бартараф этилиши учун реал имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда тайинланиши лозим. Ажримда кўрсатилган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилса, шикоят (протест) дастлаб судга тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади, акс ҳолда, шикоят (протест) берилмаган ҳисобланиб, судьянинг ажрими билан қайтарилади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунда "дастлабки" апелляция шикояти (протести) берилиши назарда тутилмаган.

Апелляция шикояти (протести) биринчи инстанция суди томонидан ФПК 385-387-моддалари талаблари бажарилмаган ҳолда апелляция инстанцияси судига юборилган ҳолда, иш тегишли тарзда расмийлаштириш учун биринчи инстанция судига юборилади.

Апелляция инстанцияси суди томонидан иш апелляция тартибида кўрилаётганда бошқа шахсдан шикоят (протест) келиб тушган ҳолда ҳам иш ФПК 389-моддаси талабларини бажариш учун биринчи инстанция судига юборилади.

10. Қонунга мувофиқ, шикоят (протест) юзасидан судга тушунтирилган (эътирозлар) тақдим этиш ишда иштирок этувчи шахс ҳуқуқи эканлигини инобатга олиб, уларнинг биринчи инстанция судига тақдим этилганлиги ишни апелляция инстанцияси судига юборишга тўсқинлик қилмайди.

Шикоят (протест) юзасидан тушунтирилган (эътирозлар) иш апелляция инстанцияси судига юборилгандан сўнг келиб тушганда, улар апелляция инстанцияси судига қўшимча тарзда жўнатилиб, бир вақтнинг ўзида нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

11. ФПК 393-моддасига кўра, апелляция шикояти берилган шахс апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунга қадар шикоятни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки ундан воз кечишга, протест келтирган прокурор, шунингдек, юқори турувчи прокурор эса, протестни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки қайтариб олишга ҳақли.

Шикоятдан воз кечилганда, протест қайтариб олинганда, суд апелляция тартибида иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради.

Шикоятдан воз кечилиши (протест қайтариб олиними) муносабати билан апелляция тартибида иш юритишни тугатиш масаласи суд мажлисида шахснинг шикоятдан воз кечиш (протестни қайтариб олиш) ва-

колати текширилгандан сўнг ҳал қилинади. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, ФПК 69-моддаси мазмунига кўра, вакилнинг ишончномада кўрсатилган суд ҳужжати устидан шикоят бериш ҳуқуқи ўз-ўзидан, башарти бу ҳолат ишончномада махсус кўрсатилган бўлмаса, шикоятдан воз кечиш ҳуқуқини бермайди.

Агар иш бўйича бошқа шахснинг шикояти мавжуд бўлса, шикоятдан воз кечилиши (протест қайтариб олиними) апелляция тартибида иш юритиш тугатилишига олиб келмайди.

Агар апелляция шикоятига (протестига) бошқа шахслар (шерик иштирокчилар, учинчи шахслар) қўшилган бўлиб, улар ўз аризасидан воз кечмаган ҳолларда ҳам апелляция тартибида иш юритиш тугатилишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда суд ишни кўришни қолдиради ва уни биринчи инстанция судига ФПК 386, 387-моддалари талабларига мувофиқ, апелляция шикоятини расмийлаштириш учун юборади.

Апелляция шикоятдан воз кечилганда (протест қайтариб олинганда), апелляция инстанцияси суди тарафга шикоятдан воз кечилиши (протест қайтариб олиними) муносабати билан апелляция тартибида иш юритиш тугатилиши уни кассация шикояти (протести) бериш ҳуқуқидан маҳрум этишни тушунтириши лозим.

Апелляция шикоятдан воз кечилиши (протест қайтариб олиними) муносабати билан апелляция тартибида иш юритиш тугатилганда, суд ҳужжати апелляция инстанцияси суди ажрими чиқарилган кундан қонуний кучга киради.

12. Апелляция шикояти (протести) берилгандан кейин даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши, тарафларнинг келишув битими ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат тарзида тақдим этилиши керак. Бунда тарафларнинг тасдиқлаш учун тақдим этилаётган келишув битими ФПК 166, 167-моддалари талабларига жавоб бериши лозим.

Агар даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечиши, жавобгар томонидан арз қилинган талаблар тан олиними ёхуд тарафларнинг келишув битимига эришиши иш апелляция инстанцияси судида муҳокама қилинаётганда амалга оширилса, бу ҳақда суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Апелляция инстанцияси суди даъвогарнинг даъводан воз кечилиши қабул қилишдан ёки келишув битимини тасдиқлашдан олдин даъвогарга (тарафларга) иш юритишни тугатишнинг ФПК 126-моддасида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатларини тушунтириши шарт.

Апелляция инстанцияси суди даъвогарнинг даъво талабларидан воз кечилиши қабул қилишда, тарафларнинг келишув битимини тасдиқлашда ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги масаласини муҳокама қилишга киришмасдан, уни бекор қилади ва иш бўйича иш юритишни тугатади.

Агар даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг арз қилинган талабларни тан олиши ёки тарафларнинг келишув битими қонунга зид бўлса ёхуд бошқа шахсларнинг

ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларига хилоф бўлса, суд бундай воз кечишни қабул қилмайди ёхуд тузилган келишув битимини тасдиқлашни рад этади ва ишни апелляция тартибида мазмунан кўриб чиқади.

13. Суднинг ишда иштирок этувчи шахсларни шикоят (протест) бўйича ишни апелляция инстанцияси судида кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиши мажбурий эканлиги қонунда белгиланганлиги сабабли ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаганда ишда иштирок этувчи шахслардан бирор-бирининг суд мажлисига келмаганлиги ФПК 397-моддасига мувофиқ, ишни кўришни кейинга қолдиришга сабаб бўлади.

Апелляция инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахслар ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишлича хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлганда ҳам, агар улардан бирор-бири келмаганлиги сабабини узрли деб топса, ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисига келмаганлиги сабаблари узрсиз деб топилган ҳолда, шунингдек, келмаганлиги сабаблари ҳақида маълумотлар ёхуд бу сабаблар узрли эканлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлмаганда, апелляция инстанцияси суди шикоят (протест) бўйича ишни уларнинг иштирокисиз кўришга ҳақли.

14. Тарафлардан бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили низоли ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетганда (фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил қилиниши, бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши ва ҳ.к.) апелляция инстанцияси суди ФПК 47-моддасига кўра, процессуал ҳуқуқий ворислик суд процессининг ҳар қандай bosқичида амалга оширилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, бундай шахсларни уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштиришга йўл қўяди ва уларга ишдаги барча материаллар билан танишишга имконият беради. Ҳуқуқий вориснинг процессга кирганлиги ҳақида апелляция инстанцияси суди ажрим чиқаради.

15. Судларнинг эътибори ФПК 395-моддасида белгиланган ишни кўриш муддатларига риоя қилиш зарурлигига қаратилсин.

Апелляция шикояти (протести) бўйича ишни кўриш муддати алоҳида ҳолларда иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда (масалан, бир неча талабларнинг битта иш юритишга бирлаштирилиши, суд жараёни иштирокчиларнинг кўплиги, қўшимча далилларни талаб қилиб олиш ва текшириш, ишга мутахассисларни жалб қилиш, суд топшириқларини юбориш зарурати ва ҳ.к.) апелляция инстанцияси суди ажрими билан қонунда назарда тутилган муддат доирасида узайтирилиши мумкин (ФПК 395-моддаси).

16. Қонунга кўра, иш апелляция тартибида кўрилаётганда қуйидагилар аниқланиши лозим:

биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ текширган-текширмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисобланган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар исботланган-исботланмаганлиги;

суднинг ҳал қилув қарорида, ажримда, қарорида баён этилган ҳулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқлиги;

моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилган-бузилмаганлиги, улар тўғри қўлланилган-қўлланилмаганлиги;

биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг қонун талабларига мувофиқлиги.

ФПК 396-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўлиқ ҳажмда текширади.

Суд ҳужжати тўлиқ ҳажмда текшириш деганда, шикоят (протест) важларидан қатъий назар, ишда иштирок этувчи шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида биринчи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўлиқ аниқланганлиги, моддий ва процессуал қонун нормалари тўғри қўлланилганлиги текширилишини тушуниш лозим. Апелляция инстанцияси суди шикоят (протест) важларидан қатъий назар, шунингдек, аризани кўрмасдан қолдириш ёки иш юритишни тугатиш учун асослар бор-йўқлигини текширади.

17. Апелляция инстанцияси суди холислик ва бегаразликни сақлаган ҳолда тарафларга ўз процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун зарур шароит яратиб бериши шарт.

Апелляция инстанцияси судида ишнинг кўрилиши коллегиял тарзда уч нафар судьядан иборат таркибда биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари асосида, бироқ ФПК 397-моддасида назарда тутилган алоҳида хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

Бунда дастлаб шикоят берган шахс ва унинг вакили тушунтиришлари тингланади. Суд ҳужжати устидан ҳар иккала тараф шикоят қилган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар ва унинг вакили сўзга чиқади.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларининг тушунтиришларидан шикоятда (протестда) кўрсатилмаган важларни келтиришга ва қўшимча материаллар тақдим этишга ҳақли. Бундай ҳолда суд бошқа тараф илтимосномасига кўра, янги важлар ва материаллар бўйича тайёрланиш ва тушунтиришлар (эътирозлар) тақдим этиш учун суд мажлисида танаффус эълон қилади.

18. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, апелляция инстанцияси суди ҳар қандай далилларни, шу жумладан, биринчи инстанция суди муҳокамасида бўлган ва янгидан тақдим этилган далилларни текширишга ҳақли. Далиллар биринчи инстанция суди учун белгиланган тартиб бўйича текширилади.

Апелляция инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг экспертиза ўтказиш, далилларни таъминлаш ва талаб қилиб олиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ҳақидаги ва бошқа илтимосномаларини улар биринчи инстанция суди томонидан рад этилганлиги сабабли, қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақли эмас.

(Давоми 4-бетда) ▶

Ҳар қандай давлатда хусусий мулк ва мулкдор ҳуқуқи қонуний кафолатланмас экан, унинг тараққиётида тўсиқлар кўпаяверади. Чунки мулкдорнинг ўз мулкига бўлган ишончсизлиги ортиб, ташибурскорлик борасидаги ҳаракатлари сусайса, бу тадбиркорлик ривожига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Тадбиркорлик эса, мамлакат ривожини ҳаракатлантирувчи қудратли куч ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, ривожланган мамлакатлар иқтисодий юқсалиш даражасига хусусий мулк дахлсизлиги, мулкдорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш орқали эришган.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодийнинг негизи қабулланган хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатланган. Айни пайтда мулк дахлсизлигини таъминлаш, хусусий мулк ҳимоясини кафолатлаш, иқтисодиётда хусусий мулкнинг ўрни ҳамда аҳамиятини янада ошириш, хусусий мулк эгаларининг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш, мулкдорнинг

Қонун кўмаги

Мулк ҳуқуқи дахлсиз

бузилган манфаат суд орқали тикланди

ўз мулкига ўзи эркин эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этишини амалда таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ мулкдорга тегишли бўлган мол-мулкнинг турли сабаблар ва ҳар хил йўл билан давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан олиб қўйилиши, мулкдан эркин фойдаланиш учун тўсиқликлар яратиш қатъиян таъқиқланади.

Мулкдор мулкдан моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш учун фойдаланиш билан чекланмай, у асосида турли тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, инвестиция жалб этиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, уларни ижарага бериш йўли билан кўшимча даромад олиши мумкин.

Афсуски, баъзан амалиётда мулкдор ўзига тегишли мулкдан ўзи истаган тарзда фойдаланишига турли тўсиқлар қўйилган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Қуйидаги низо тафсилоти бунга мисол бўла олади.

"Савдо инвест" хусусий корхонаси (номлар ўзгарти-



рилган) ўтган йилнинг 9 июн куни "E-IURO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида бўлиб ўтган савдода турли тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, инвестиция жалб этиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, уларни ижарага бериш йўли билан кўшимча даромад олиши мумкин.

Афсуски, баъзан амалиётда мулкдор ўзига тегишли мулкдан ўзи истаган тарзда фойдаланишига турли тўсиқлар қўйилган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Аммо Х.Йўлдошев ўзининг ҳамтовови И.Ниёзов билан жинорий тил бириктириб, корпоратив картдан сарфланган маблағ учун ҳисобдор шахс сифатида ҳисоботлар тузмага. Сарф қилинган маблағнинг қирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда у жимсоний шахслар учун даромад солиғи объектига айланади.

Х.Йўлдошев жамият корпоратив картасидан шахсий манфаатлари учун фойдаланиб, 3 миллиард 218 миллион 426 минг 400 сўмлик пул маблағини солиқ органидан яшириб, 438 милли-

он сусий корхонаси Тошкент туманларо иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, мулкнинг қонуний эгаси ҳисобланса-да, ундан эркин фойдалана олмаётгани, кўчмас мулкнинг собиқ эгаси мулкнинг ҳуқуқларини амалга оширишда тўсиқлик қилаётганини баён қилган.

Маълумки, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хохиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузилишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 9-моддаси биринчи қисмига мувофиқ фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқлари, шу жумладан, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хохишларига кўра, тасарруф этади.

Бундан ташқари "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хохишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши белгиланган.

Суд ушбу қонуний асосларга таянган ҳолда даъво аризасини қабул қилиб, "Офтоб" масъулияти чекланган жамиятини "Савдо инвест" хусусий корхонасига тегишли бўлган нотураф кўчмас мулк ҳудудидан мажбурий тартибда чиқариш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди. Судда бузилган ҳуқуқи тикланган мулкдорнинг энди мулкни эркин фойдаланиши таъминланди.

Сарвар СОЛИЕВ,
Тошкент туманларо иқтисодий суди раиси



Бурч ва мажбурият

«Ёшулли»нинг пуч ваъдаси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Натижада 39,5 миллион сўмлик хариднинг ҳақи орадаги битим ва амалдаги қонуни ҳужжатлари талабларига зид равишда тўлаб берилмайди. Сотувчи ҳам қараб турмади. Ўзи томонидан етказиб берилган маҳсулотларнинг ҳажми ва қиймати тенг миқдордаги тўловни ортиқча сансоларликларсиз адо этишни жамият раҳбарларидан бир неча марта суради. Афсуски, харидни амалга оширган тараф сотувчининг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирди. Орадан бир йилдан ҳам кўпроқ вақт ўтса-да, тўлов насиялигича қолди. "Ёшулли"нинг охири йўқ ваъдаларидан охир-оқибатда "Дониёрбек" корхонаси раҳбари Д.Бобононовнинг ҳам сабр қосаси тўлди. Қарзнинг муро-аю мадора йўли билан ундиришга ишончи сўнган, масалани қонун ҳукмига ҳавола этишга қарор қилди. Бир йилдан ортиқ вақт мобайнида асосиз пайсалга солиб келинаётган 39,5 миллион сўм миқдордаги асосий қарз ва шартноманинг тегишли бандида тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кўзда тутилган 20 миллион сўмлик пеняни ундириб беришни сўраб, судга мурожаат қилди.

Суд ишни кўриш асосида асосий қарзни ундиришга монелик қилувчи ҳолатларни аниқламади. Бироқ пеня ундириш масаласи жиддий муҳокама-тортишувларга сабаб бўлди. Чунки қарийб 20 миллион сўм миқдордаги пеня тўлово даъвогар тараф бир йилдан кўпроқ вақт ўтишига қарамасдан ушбу қарздорликни бартараф этишни сўраб судга мурожаат қилмагани оқибатида юзага келгани маълум бўлди. Суд даъвогарнинг бу талабини узрол ҳолат сифатида эътироф этолмади.

Айнан шундай зиддият ҳолат ўтган йили "Кўшкўпир махсус сув пудрат" ва "Кўшкўпир бозор чорваси" масъулияти чекланган жамияти ўртасида ҳам рўй берди. "Махсус сув пудрат" корхонаси "Бозор чорваси" масъулияти чекланган жамиятининг 30 минг бош товуқ ва 100 бош қорамолга мўлжалланган фермахона мажмуасини барпо этиш борасидаги буюртмасини тўла-тўқис бажарди. Қисқа фурсат ичида 510,1 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бу қурилиш ишлари 2020 йил 15 октябрь куни ҳар икки корхона ўртасида имзоланган 1/10-сонли пудрат шартномаси асосида бажарилди. Гал тўловга келгач, шу пайтга қадар пудратчининг атрофида парвона янглиғ айланган буюртмачи ҳеч қутилмаганда кўздан ғойиб бўлди. 510 миллион сўмлик пудрат ишлари тўлово ора йўлда қолди. Шартномавий мажбурият бажарилмади.

Амалдаги Фуқаролик ко-

дексининг 638-моддасида қайд этилишича, агар пудрат шартномасида бажарилган ишга ёки унинг айрим босқичларига олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи пудратчига шартлашган ҳақни иш тегишли берилган маҳсулотларнинг ҳажми ва қиймати тенг миқдордаги тўловни ортиқча сансоларликларсиз адо этишни жамият раҳбарларидан бир неча марта суради. Афсуски, харидни амалга оширган тараф сотувчининг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирди. Орадан бир йилдан ҳам кўпроқ вақт ўтса-да, тўлов насиялигича қолди. "Ёшулли"нинг охири йўқ ваъдаларидан охир-оқибатда "Дониёрбек" корхонаси раҳбари Д.Бобононовнинг ҳам сабр қосаси тўлди. Қарзнинг муро-аю мадора йўли билан ундиришга ишончи сўнган, масалани қонун ҳукмига ҳавола этишга қарор қилди. Бир йилдан ортиқ вақт мобайнида асосиз пайсалга солиб келинаётган 39,5 миллион сўм миқдордаги асосий қарз ва шартноманинг тегишли бандида тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кўзда тутилган 20 миллион сўмлик пеняни ундириб беришни сўраб, судга мурожаат қилди.

Судда даъво талабидеги ҳолатлар ўз тасдиғини тўлиқ топгани боис "Кўшкўпир махсус сув пудрат" корхонасининг талаби ҳам қаноатландирилди. "Кўшкўпир бозор чорваси" масъулияти чекланган жамияти ўз пудратчиси олдидаги қарзини тўлиқ узши мажбуриятини зиммасига олди.

Адолат ва одиллик мезонлари ана шу тарика намоеён бўлди. Лекин масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор ва айни шу дастак баён этилган ҳолатларга сабаб бўлганини алоҳида эслатмоқ жоиз. Гап шундаки, юртимизда тобора шаклланиб бораётган бозор муносабатлари жараёнида шу каби айрим ноҳушликлар буй кўрсатапти.

Ўз манфаатини ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларидан устун қўйган ҳолда ўз шеригини чўв туширишга уринаётганлар ҳам учраб турибди. Суд жараёнларида қонун ва инсонликка зид бундай қинғирликларга мурасасизлик билан чек қўйилмоқда. Аммо бундай низо ва зиддиятларни судгача ҳам бемалол ҳал этиш мумкин. Бунинг учун қонун талаби, одабийлик таомилларига суянишнинг ўзи қифоя. Ўзгаларга алданиб қолмасликнинг ишончли йўли зийраклик, ҳушёрлик ва огоҳликда. Уни қўлдан бой бермаслик даркор. Зеро, қонун талаби, инсонийлик таомилларига таяниб фаолият юритилган ҳеч қачон кам бўлмади.

Баҳром ҲАЙИТБОЕВ,
Шовот туманларо иқтисодий суди раиси
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

◀ (Бошланиши 5-бетда)

Қонунни четлашга уринадиган, давлат манфаатларига зиён етказадиган бундай қимсалар охир-оқибат суднинг қора курсисига ўтириб, қилмишлари учун жавоб беришади, қазонинг муқаррарлиги таъминланади.

Фикримизни ҳаётий мисоллар билан давом эттирадиган бўлсак, "Кўшкўпир инвест капитал" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Холмирза Йўлдошев (исм-шарифлар ўзгартирилган) Иноят Ниёзов билан жинорий тил бириктирган ҳолда бир қатор жиноятларни содир этган.

Аслида ушбу корхонани асосан мебел ишлаб чиқариш ва уларни сотиш мақсадида 2017 йилнинг сентябрида И.Ниёзов ташкил этган. Умумий раҳбарлик тизгини И.Ниёзовнинг қўлида бўлган. Қолаверса, Х.Йўлдошев билан И.Ниёзов бир-бирларига бегона эмас — Иноят Холмирзага тоғавачча.

Энди қариндошларнинг жинорий қилмишларига тўхталадиган бўлсак, миллий валютадаги корпоратив банк карталари, жайдари қилиб айтганда, тадбиркорларни пулни қоплаб кўтариб юришдек машаққатдан халос қилди. 2005 йил 18 апрелда Адлия вазирлигида 1470-сон билан рўйхатга олинган "Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомдан ундан қонуний фойдаланиш тартиби аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу Низомнинг 7-бандида корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда тўлаш учун сарф қилинаётган пул маблағлари корпоратив банк картасининг сақловчисига ҳисобдорлик шарт билан бериладиган, қатъий тарзда белгиланган мақсадларга ишлатиладиган маблағлар ҳисобланиши, корпоратив банк картасининг сақловчиси уни ҳисобдорликка олган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай корпоратив банк карталари воситасида ишлатилган суммалар тўғрисида юридик шахснинг бухгалтериясига ҳисобот тақдим этиши шартлиги белгиланган.


Афсуски, қариндошлар қонуннинг ана шу талабига мутлақо риоя қилмаган. Оқибатда 2017 — 2020 йиллар мобайнида 3 миллиард 218 миллион 426 минг 400 сўм миқдордаги маблағ ноқонуний сарфлаган. Сарфланган ушбу маблағ учун тўлов терминали квитанцияларнинг асл нусхалари, электрон тижорат битимларидаги томонларнинг идентификациялаш имконини берувчи электрон чеклар, квитанциялар, хабарлар ва қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли режизитларга эга бошқа ҳисобот ҳужжатлари юритилмаган. Бу маблағлар ҳисобига олинган товар-моддий бойликлар корхонага қирим қилинмаган. Бу билан жуда кўп миқдорда савдо ва хизмат кўрсатиш қидалари бузилган.

Юқорида қайд этилган Низом талабига кўра, корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз

шаклда тўловни амалга ошириш ушбу банк картасининг сақловчисига ҳисобдорлик шарт билан берилди. У қатъий тарзда белгиланган мақсадларга ишлатиладиган маблағ ҳисобланади. Аммо Х.Йўлдошев ўзининг ҳамтовови И.Ниёзов билан жинорий тил бириктириб, корпоратив картдан сарфланган маблағ учун ҳисобдор шахс сифатида ҳисоботлар тузмага. Сарф қилинган маблағнинг қирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда у жимсоний шахслар учун даромад солиғи объектига айланади.

Х.Йўлдошев жамият корпоратив картасидан шахсий манфаатлари учун фойдаланиб, 3 миллиард 218 миллион 426 минг 400 сўмлик пул маблағини солиқ органидан яшириб, 438 милли-

Жиноят ва жазо



Ҳаддидан ошган ҳамтовоқлар

судда қилмишларига жавоб беришди

он 233 минг 100 сўмлик даромад солиғини қасддан тўламаган. Буниси етмаганидек, Х.Йўлдошев сарфланган маблағ учун тўлов терминали квитанцияларнинг асл нусхалари, электрон чеклар, хабарлар ва қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли режизитларга эга ҳисобот ҳужжатларини қасддан йўқ қилган.

Устига устак, қинғир йўлни танлаган ҳамтовоқлар 270 миллион сўмлик 60 тонна шакар маҳсулотини қонунга зид равишда нақд пулга сотиб юборишган ва ушбу маблағни солиқ органига тақдим этилган ҳисоботлардан яширишган. Улар шу тарихқа 35 миллион 217 минг 400 сўм қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бўйин товлашган. Бу учун шакар маҳсулотини реализация қилиш билан боғлиқ корхонанинг қатъий ҳисобиди турадиган бухгалтерия ҳужжатларини ҳам қасддан йўқ қилишган.

Таъкидлаш ўринлики, Х.Йўлдошев ва И.Ниёзовнинг солиқ тўловлари билан боғлиқ қинғирликлари фақат шулардан иборат эмас.

Корхонада 2020 йилнинг февраль-октябрь ойларида ишлаган ўн нафар

ишчига иш ҳақи тўланган. Бироқ уларнинг иш ҳақи тарзида олган даромадлари ҳақида маълумотлар солиқ органига тақдим этилмаган. 108 миллион сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг солиқ органига тақдим этилган ҳисоботларда ахс эттирилмагани натижасида 12 миллион 852 минг сўм жимсоний шахсларнинг даромад солиғи, 5 миллион 40 минг сўм ижтимоий солиқ, 108 минг сўм шахсий жамғариб бориладиган пенсия бадали қасддан тўланмаган.

Бундан ташқари Х.Йўлдошев билан И.Ниёзов корхона товар-моддий бойликларни сотиб олмаган бўлса-да, қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ қарзини камайтириш мақсадида бошқа

лиги ҳисобига олинган ҳолда қиймати 591 миллион 100 минг сўмлик қурилиш материаллари бергани ҳақидаги иккита сохта электрон ҳисоб-фактура тузиб, уларни И.Ниёзовга тақдим этади. Ҳамтовоқлар кўзбўямачилик ва сохтакорликни яна давом эттириб, 2020 йилнинг 23 июн ва 17 июль кунлари қўшимча қиймат солиғи ҳисобига олинган ҳолда қиймати 1.475 миллион 737,5 минг сўмлик иккита электрон ҳисоб-фактура тузишади. Улар шу тарзда тўланиши лозим бўлган 987 миллион 745 минг 600 сўм солиқларни қасддан яширишади.

"Қинғир ишнинг қийми қирқ йилда ҳам чиқади" дейишгани айни ҳақиқат. Яқинда очик суд мажлисида Х.Йўлдошев, И.Ниёзов, Ш.Ҳамдамов ва Ф.Дадажонов содир этган қинғир ишларга тегишли жиноят иши мазмунан кўриб чиқилди.

Судда судланувчи Х.Йўлдошев ва И.Ниёзов "Кўшкўпир инвест капитал" масъулияти чекланган жамияти тўлаши лозим бўлган қиймат солиғини тўламаслик мақсадида бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жинорий қилмишлардан иборат бўлган ҳақиқатда олинган товар-моддий бойликлар учун электрон ҳисоб-фактураларни сохталаштиргани маълум бўлди.

Суд қонун талаблари ва Олий суд Пленуми раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчилар содир этган қилмишни ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар деб таснифлаб, солиқлар қисман тўлангани ва уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганини инобатга олди.

Суд Х.Йўлдошев ва И.Ниёзовга тўрт йил муддатдан озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, ҳужм қонуний кучга киргач, судланувчилар зиммасига қопланмай қолган 494 миллион 657 минг 600 сўм солиқ қарздорлигини тўққиз ой мобайнида солидар тартибда тўлаш мажбуриятини юклатди. Ш.Ҳамдамов ва Ф.Дадажоновга насабдан эса, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йилдан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Дунёда ишонч деган оқсак туйғу бор. Юртимизда тадбиркорлар ва тадбиркорлик субъектлари ҳақида қатта ишонч билан фаолиятларини кенг кўламда амалга ошириши учун имтиёз, имконият ва қулайликлар яратиб берилган. Ана шу ишонч оқлаш ҳар бир тадбиркорнинг бурчи ҳисобланади. Бурчга хиёнат эса, асло кечирилмайди. Қилмишларига яраша қонуний ва адолатли жазо олган ҳамтовоқларнинг қисмати ҳам бунинг яққол исботидир.

Қаҳрамон ХОЛМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Шароф Рашидов тумани суди раиси
Абдуҳалил ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-515 Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7135
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 22⁰⁰.